



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 10 апрель, № 74 (7576)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазият юзасидан фикр алмашди.

Коронавирусга қарши самарали курашиш мақсадида мувофиқлашган чораларни ишлаб чиқиш, ўзаро кўмаклашиш, тегишли тиббиёт ва бошқа алоқадор хизматлар ўртасидаги яқин мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Пандемиянинг икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг ривожланиш суръатиға салбий таъсирини камайтириш учун олдиндан чора қўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Савдо-иқтисодий, инвестиция, молия ва транспорт-коммуникация соҳалари, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик, жумладан, пойтахт шаҳарлар Тошкент ва Душанбе ўртасидаги алмашинувлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу борадаги устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик айрим долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Ў.А.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ БАҲАРАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг баҳардор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича барча чоралар қўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 март ва 3 апрель кунлари қабул қилинган фармонларида бу борада қўллаб имтиёз ва преференциялар белгиланди.

Хусусан, тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябрга кечиктирилди. Албатта, бу уларга карантин шароитида катта мадад бўлади. Лекин шу билан бирга, молия-кредит муассасаларига тушадиган маблағ камайишини ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Шу боис йиғилишда банкларнинг баҳардор ишлашини таъминлаш, бандлик ва аҳоли даромадларини сақлаб қолиш масалалари муҳокама қилинди.

Жаҳон иқтисодиётида бошланаётган инкироз ҳолатларини ҳисобга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий қўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Яъни ҳали бошланмаган, узок муддатли лойиҳаларни аниқлаб, уларни жорий йилнинг ўзида самара беришни бошлайдиган янги лойиҳаларга алмаштириш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада банкларга маблағларни устувор равишда кичик бизнес субъектларига янги иш ўринлари яратиш учун ҳамда уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириш тавсия этилди.

Жорий йилда “Агробанк”, Халқ банки, “Микрокредитбанк” орқали бандликни таъминлаш дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш қўзда тутилган. Шунингдек, Инкирозга қарши курашиш жамғармаси орқали Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қўшимча 500 миллиард сўм ажратилади.

Ушбу маблағлар қўллаб янги лойиҳаларга асос бўлади. Президентимиз биринчи навбатда озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, кичик бизнес ва ҳунармандчилик лойиҳаларига устувор аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Карантин даврида ҳам аграр соҳадаги ишлар тўхтамаганини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларига бириктирилган тижорат банклари ҳозирнинг ўзида янги лойиҳаларни кўпайтиришлари лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, ўтган ҳафтада 24 та банк ташаббус қўрсатиб, жисмоний шахслар учун кредит таътили эълон қилди.

Йиғилишда банклар шу каби оддий, лекин аҳолида ишонч ва ҳурмат уйғотадиган яна қўллаб ташаббуслар билан чиқиши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Масалан, муддати тугаган омонатларнинг муддати узайтирилиб, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса, карантин вақтида уйда ўтирган аҳолига қулайлик яратилади.

Карантин тугаганидан кейин қўллаб қорхоналарга ўз фаолиятини тиклаш учун анча вақт ва маблағ керак бўлади. Шу боис Марказий банкка ишлаб чиқариш қорхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилди. Зарур ҳолларда, қорхоналарга иш ҳақи тўлаш учун ҳам кредитлар ажратилишини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Масофавий хизмат кўрсатиш турлари ва қамровини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.


Видеоконференцалоқа тарзида ўтган йиғилишда соҳа мутасаддилари ва тижорат банклари раҳбарлари тегишли ахборот берди.

Ў.А.

ИШОНЧ ВА САМАРАЛИ ЧОРАЛАР ЯНА САККИЗ НАФАР БЕМОРНИНГ СОҒАЙИШИГА ЗАМИН ЯРАТДИ

Юртимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чора қўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаатида коронавирусга қарши курашнинг олдинги сафарида чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонқуяр ва олижаноб шифокорларга алоҳида миннатдорлик билдирган эди. Бу бежиз эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди.

Хушхабар



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Зеро, ушбу соҳанинг фидойи вакиллари сайёҳ ҳаракатлари билан юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар орасида буткул соғайганлар сони ошиб бораётти.

Кеча улардан яна 8 нафари касалликдан фориғ бўлди. Тузалганлар Вирусология илмий текшириш институти клиникасидан соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ва бошқа масъуллар иштирокида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига кузатилди.

➡ 4



■ Таҳлил

ЯНА БИР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

2008 йил ва 2020 йилги глобал молиявий ҳамда иқтисодий инкирозларнинг қўлаи қандай? Қўрилаётган чоралар қанчалик мутаносиб? Дастлабки таҳлиллар ва мулоҳазалар.



Коронавирус ва илму маърифат тўқнашуви

Хар тўрт йилда бир такрорланиб, бир кунга узунроқ бўлган, бу сафар чиройли рақамлар узра тизилган 2020 қабиса йилига жуда катта орзу ва режалар билан кириб келдик. Ўзбекистонда унга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” дея ном берилди. Бинобарин, у юр-

тимизда иқтисодиётни илм-фанга асосланган инновацион ривожлантириш ва рақамли технологияларни кенг жорий этишнинг мустаҳкам қадами қўйилаётган буюк довоннинг бошланиши сифатида барчамизни руҳлантирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилга ана шундай ном беришни таклиф қилганида, менимча, мамлакат ва миллиятни кутаётган яна бир катта синов борлиги, ундан муносиб ўтишда мана шундай йўл лозимлигини кўрсатгандек туюлади. Буни тушуниб етиш учун узокқа бориш шарт эмас: коронавирус балоси, бир томондан, дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам илму фан ва маърифатга бўлган эҳтиёж қанчалар юксак экани, бунга ҳали жудаям кўп эътибор бериш, узлуксиз инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, бу бало ҳаммани ўз уйида қолдирди ва бундан кейин рақамли технологияларсиз яшаш мумкин эмаслигини исботлади.

➡ 4

Республика олий таълим кенгаши ва Олий таълим муассасалари ректорлари кенгашининг профессор-ўқитувчилар ва талабаларга

М У Р О Ж А А Т И

Хурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда бутун дунёнинг диққат-эътибори COVID-19 коронавирус пандемиясига қаратилган бўлиб, жаҳон илм-фани ахли ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатиш, инсоний талафотни кескин камайтириш ва бу хатарни илдизи билан қуритиш учун бор интеллектуал салоҳиятини сафарбар этмоқда.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида бу юқумли хасталикнинг аҳоли ўртасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, она халқимизни бундай оғир синовдан соғ-омон олиб ўтиш учун барча зарур ва кескин чораларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий позицияси, халққарвар сиёсати, қабул қилаётган оқилона Фармон ва қарорлари пандемияни жиловлаш ва унинг салбий таъсирини юмшатишга кучли замин яратмоқда.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва эллатларни янада

жибсластириш, энг муҳими, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида оламшумул ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг “Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун, энг аввало, ўзимиз масъулмиз”, деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш бўйича олий таълим тизимида ҳам муҳим қадамлар ташланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларида бу ҳалокатли офат билан курашиш бўйича барча зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

➡ 3

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

ДУНЁ НИГОҲИ «Халқ сўзи» учун махсус

Хорижлик экспертлар:

Ўзбекистон раҳбариятининг пандемия шароитидаги сиёсати минтақа ва ундан ташқаридаги мамлакатлар учун намунадир

Бугунги кунда коронавирус пандемияси глобал хавф сифатида дунё мамлакатларининг асосий муаммоси бўлиб турибди. Зотан, жаҳон иқтисодиётининг қайта тикланиши ҳар бир давлатнинг пандемияни қандай енгиб ўтиши ва унинг салбий оқибатларининг олдини ола билишига боғлиқ. Афсуски, ҳозирги вақтда коронавирус янада тез суръатлар билан тарқалмоқда ва тобора кўпроқ инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда.

Мамлакатимизда COVID-19ни аниқлаш ва даволаш, шунингдек, тарқалишига йўл қўймайлик бўйича ўз вақтида амалга оширилган ишчи чора-тадбирлар туфайли инфекциянинг кучли тўқлини ва кўп сонли ўлим ҳолатларининг олди олинмоқда. Бугун барча беморлар юқори малакали юқумли касалликлар бўйича шифокорлар томонидан стационар даволанмоқда. Хавф остида бўлган фуқаролар ҳам қатъий карантин остида тиббий назоратда бўлиб турибди.

Ўзбекистон раҳбарияти аввалбосдан вазиятни назорат қилиб, ўз ваколатларини тўлиқ ишга солган ҳолда, манбалардан фойда-

ланишни мақбул усулда ташкил қилди. Натижада пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтиришга эришилди. Шу тариқа мамлакатнинг геосиёсий манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниб, бу борадаги ютуқлар халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, халқаро муносабатлар бўйича эксперт, профессор Махмудул Ҳасан Хон (Пакистон) Ўзбекистонни Марказий Осиёда пандемияга қарши қатъий курашиш мақсадида биринчилардан бўлиб изчил чора-тадбирлар қўлган давлат сифатида баҳолайди.

➡ 3

МИЛЛАТНИ АСРАШ УЧУН КУРАШ

Апрель ойига мўлжаллаб қўйган мақоламизнинг баҳонаю сабабларини кўнгилга тугиб, мавзуни ҳаёлда айлантира бошлаганимизга анча-мунча бўлиб қолганди. Унда найсонда туғилган Амир Темур, Абдулла Қодирий ва сўнгги йиллар воқелигимиз омиллари уйғунлиқда таҳлилламақчи эдик. Бироқ орага суқилган “тожи оғу” (лотинчадаги “virus”, ўзбекчада “оғу”, “заҳар” деганидир) ўлароқ туғилган муҳит манзара-сида унга ҳам тўхталишга жазм қилдик.

■ Нуктаи назар

Очигини айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллимиз ва давлатимиз борлиги билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида қуонаётиб, бу тасодифми ёки қонуниятми, саволни ўртага ташлаганларидан бери қаминга ўйлаб қўйган. Негаки, юки ўта оғир бу сўроққа жавоб ис-таб қилинган мушоҳадаларнинг қийнови жуда қаттиқ кечмоқда. Ўйлаб-ўйлаб тоғланларингни тан олишдан туғилган азоб-уқубат-

ни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Темурбек сичкон йилида, ҳижрий 736 йилнинг 25 шаъбон кечаси туғилган яхши маълум. Замонавий тақвимда мазкур сана 1336 йил 8 апрелга тўғри келади. Лекин нимагадир, биздаги барча расмий, илмий ва оммабоп манбаларда 9 апрель деб келинади. Соҳибқироннинг туғилган қишлоғи масаласи ҳам илмда узил-кесил ечилган эмас.

➡ 3

КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 9 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **1 541 282** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **343 446** нафар, вафот этганлар сони — **91 040** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 9 апрель соат 21.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **582** нафар, тузалганлар **38** нафар, вафот этганлар **3** нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

